**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**“Навоийазот” АЖ**
**бошқарув раиси**
**__________О.Ш. Темиров**
**“_07_” ___04_______ 2022 йил**

**“Navoiyazot” АЖ умумовқатланиш мажмуаси ошхонасида жамият ишчи-ходимларига хизмат кўрсатиш бўйича**

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Навоий ш. 2022 й.**

## 1. Техник топширикда фойдаланиладиган терминлар, сифатловчи сўзлар.

**“Ошхона”** – Истеъмолчиларни нонушталар, тушликлар ва кечки овқатлар билан таъминловчи корхонадир. Ошхоналарда асосан Профилактик даволовчи таомлари (ЛПП) турли хил комплекс тушликлар, нонушталар ва кечки овқатлар ташкил этилади. Уларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усуллари қўлланилади.

**“Буюртмачи”** – “Navoiyazot” акциядорлик жамияти.

**“Бажарувчи”** – Жамият ишчи-ходимларига оддий ва мураккаб усулда тайёрланадиган юқори сифатли кулинария ва қандолатчилик маҳсулотларининг кенг ассортиментини ҳамда ичимликларни такдим этади. “Бажарувчи” нинг таомномасига мажбурий тартибда порцияли ва фирма овқатлари киритилади. Хизмат кўрсатиш, овқатлар пишириш ва хизмат кўрсатиш билан уйғунлаштирилган ҳолда юқори малакали ошпазлар ва официантлар томонидан амалга оширилади.

**“Меню”** – Ишчи-ходимларга сотиладиган таомлар, пазандачилик ва пишириқ махсулотлари, сут махсулотлари, қайноқ ва салқин ичимликларнинг рўйхати.

**Профилактик даволовчи таомлари (ЛПП) –** бу инсон аъзолари ва тизимларини зарарли ва ноқулай меҳнат омиллари таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган махсус таомлар.

**Озиқ-овқат (маҳсулотлар)нинг биологик қиймати** - тирик организмга биологик таъсир кўрсатадиган, организмнинг биологик фаол моддаларга бўлган эҳтиёжи қондириладиган озиқ-овқат (маҳсулотлар) хусусиятларининг мажмуи;

**Озиқ-овқат (маҳсулотлар)нинг озуқавий қиймати** - озиқ-овқат (маҳсулотлар) хусусиятларининг мажмуи, улар мавжудлигида инсоннинг зарур моддалар ва энергияга бўлган физиологик эҳтиёжларини қондирилиши.

**Профилактик даволовчи таомлар рационлари** – профилактик даволовчи таомлари учун кўзда тутилган махсулот ва таомлар рўйхати.

**“Калориялилик”** – Истеъмол қилинган махсулотлардан инсонлар организм учун керакли миқдордаги қувватни (энергия) олиши.

**“Овқатларни тайёрлаш технологияси”** – Таомларни тайёрлаш жараёнининг узлуксизлик таомили.

**“Микроблардан тозалаш ва уларни зарарсизлантириш”** – Мажмуавий тадбир асосида объектнинг ташқи ва ички ҳудудини, ўрнатилган ускуна ва жиҳозларни, касаллик қўзғатувчи омилларни ҳамда юқумли-юқумсиз касалликларга қарши мунтазам дезинфекция ишларини олиб борилиши.

**“Қонун хужжатлари, қоида ва меъёрлар”** – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, фаолиятга тегишли бўлган ҳукумат қарорлари, Низом ва хавфсизлик талаблари асосида тасдиқланган ҳужжатлар (*ГОСТ, СН и П, СанПиН, қоидалар, меъёр, Ўз.Рес стандартлари*)

## 2. Буюртмачи ҳақида маълумотлар.

**Буюртмачининг юридик номланиши:** “Navoiyazot”АЖ

**Буюртмачининг жойлашган жойи:** Навоий ш. Навоий кўчаси 5-уй

**3. Хизмат кўрсатиш жойи таърифи.**

**Ҳудуднинг географик жойлашуви:** Навоий шаҳар, Навоий кўчаси 5-уй, "Navoiyazot" АЖ нинг ички/ташқи ҳудуди, 5-сонли, Тиббий Санитария қисми ва Санаторий-профилакторий ошхоналари

**Хизмат кўрсатиш объектининг манзили ва тавсифи**

| | Объектнинг жойлашган жойи | Тавсифи | Ўриндиқлар сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Навоий шахар, Навоий кўчаси 5-уй, "Navoiyazot" АЖ нинг ички ҳудуди, 5-сонли ошхона | "Navoiyazot" АЖ нинг 50-цех ҳудуди, 5-сонли ошхона | 40 нафар |
| 2 | Навоий шахар, Навоий кўчаси 5-уй, "Navoiyazot" АЖ нинг ички ҳудуди, Тиббий санитария қисми ошхонаси | "Navoiyazot" АЖ нинг 061-цех Тиббий санитария қисми биноси 2-қаватдаги ошхона | 60 нафар |
| 3. | Навоий шахар, Меъморлар кўчаси, "Navoiyazot" АЖ нинг ташқи ҳудуди, Санаторий профилакторий ошхонаси | Navoiyazot" АЖ нинг 110-цех Санаторий профилакторий биносиининг 1-қаватдаги ошхона | 100 нафар |

**4. Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми.**

| Ошхона рақами | Овқатланувчилар сони | Таомлар тури |
|---|---|---|
| 5-сонли ошхона (50-цех ҳудуди) | **200 нафар** | Қўшимча таомлар тайёрлаш |
| Тиббий санитария қисми ошхонаси | **100 нафар** | Терапия ва жарроҳлик бўлимларида даволаниётган ишчи-ходимлар учун диетик (пархез) ва бошқа қўшимча таомлар тайёрлаб бериш |
| Санаторий профилакторий ошхонаси | **100 нафар** | Санаторий профилакторий дам олувчиларга диетик (пархез) ва бошқа қўшимча таомлар тайёрлаб бериш |

Санитария-эпидемиологик қоидалар ва мейёрлар асосида Тиббий санитария қисми ва Санаторий профилакторийларда ***диетик (пархез) таомлари рационида*** кўзда тутилган ва озиқ-овқат махсулотлар тўплами, шунингдек озуқавий қиймати тавсия этилади.

| | **Тавсия этиладиган мейёр, гр** | | **озуқавий қиймати, ккал** |
|---|---|---|---|
| Оқсиллар | 100 -120 | Эркаклар учун | 3000-3100 |
| Ёғлар | 80-100 | Аёллар учун | 2100-2500 |
| Углеводлар | 400-500 | | |

Диетик (пархез) таомлари рациони саноат корхоналари фаолият юритаётган тиббий санитария қисми (тиббиёт бўлимлари) ходимлари назорати остида, озуқавий қийматини ҳисобга олган ҳолда таомларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари тўпламлари асосида тузилади. **(1-илова)**.

**Умумовқатланиш ошхонасида кунлик қўшимча таомлар тайёрлашнинг энг кам миқдордаги турлари:**

| Т/р | Таомларнинг номланиши | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Таомларнинг энг кам тури | |
|---|---|---|---|---|
| | | | тури | Давомийлиги, соат |
| 1 | Яхна таом ва газак (закуска) | 75-150 | 3 | 2 соат |
| 2 | Биринчи таом | 250 | 2 | 2 соат |
| 3 | Иккинчи-иссиқ таом | 250-300 | 3 | 2 соат |
| 4 | Сабзавотли қайла | 150 | 2 | 2 соат |
| 5 | Ширинлик, ичимлик | 200 | 2 | 2 соат |
| 6 | Пазандачилик таомлари | 50-100 | 2 | 2 соат |
| 7 | Пархез таомлар | 50-250 | 2 | 2 соат |
| 8 | Сут, қатиқ | 200 | 1 | 2 соат |
| 9 | Буғдой унидан тайёрланган нон | 30 | 1 | 2 соат |

“Буюртмачи” нинг ходимлари талабларини тўлиқ қондириш мақсадида таомларни сифатига алоҳида эътибор бериш ва мустақил тарзда тайёрланадиган таом, пазандачилик махсулотлари ва қайноқ ва салқин ичимликлар таркибига қуйидагиларни киритиш зарур:

- **Яхна таомлар:** сабзавотлик салатлар қўшимча тартибда (кетчуп, майонез, кунгабоқар мойи ва ҳар хил таъм берувчи) қўшимчаларни қўшиш – ***3 хил турдан кам бўлмаган ҳолда***
- **Биринчи таом (суюқ овқат):** борщ, лапша, сабзавотлик, дуккаклик махсулотлардан тайёрланадиган суюк таомлар – 250 граммдан кам бўлмаган, ***2 хил турдан кам бўлмаган ҳолда***
- **Иккинчи таом (қайлалик):** Ҳар кунлик таомларда табиий гўшт (мол, қўй, эчки, товук гўшти) қўшилган ҳолда тайёрлаш, қиймали, парҳезлик ҳамда миллий таомларни тайёрлаш 80-250 грамм, ***3 хил турдан кам бўлмаган ҳолда***
- **Қайноқ ва салқин ичимликлар:** Чой, ҳўл ва қуруқ мевали шарбатлар, кофе.
- **Сутлик махсулотлар:** Пастеризация қилинган сут 2,5% лик, қатиқ.
- **Нон:** Буғдой унидан тайёрланган буханка ёки лепёшка.

Таомнома менюси мавсумга (бахор, ёз, куз, қиш) мос ҳолда тайёрланиб, менюнинг такрорланиши 2-3 ҳафтада алмаштирилиб борилади.

**Қуйидаги ҳолларда махсус таомлар тайёрланади:**

Умумхалқ  байрамларида (Навруз, Мустақиллик)

Касб байрамларида (Кимёгарлар куни)

5. **Хизмат кўрсатиш даврийлиги таърифи.**

- Хизмат кўрсатиш даври:

| Т/р | Умумовқатланиш мажмуаси объекти номи | Ошхона рақами | Хизмат кўрсатиш муддати | Иш тартиби | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Нонушта вақти | Тушлик | Кечки вақт | Иш куни |
| 1 | Корхонанинг 50-цех худудидаги 5-сонли ошхона | 50-цех Янги маъмурий биносининг 1 қаватида жойлашган | 1 йил * (Ишчи ходимлар сўровномалари ва даврий овқат сифати назорати натижасига қараб яна 1 йилга узайтирилиши мумкин) | | 11:00-14:00 | | Душанба-жума |
| 2 | Корхона ички худудидаги ТСҚ ошхонаси | 091-цех даволаш биносининг 2 қаватида жойлашган ошхона | | 07:00-09:30 | 12:00-13:00 | 18:00-19:00 | Хафта давомида |
| 3 | Корхона ташқи худудидаги Санаторий профилакторийошхонаси | 110-цех дамолиш биносининг 1 қаватида жойлашган ошхона | | 07:00-09:30 | 12:00-13:00 | 18:00-19:00 | Хафта давомида |

- Тасдиқланган иш соатларига мажбурий тартибда риоя қилиниши керак.
- Эҳтиёж туғилгандаикки тараф келишувига асосан белгиланган иш тартибига ўзгартириш киритиш мумкин.

6. **Кўрсатиладиган хизматларнинг сифати тавсифи.**

- Кўрсатиладиган хизматларни амалдаги Давлат стандартлари талаблари асосида амалга ошириш;
- Ошхонага таомлар тайёрлаш учун келтириладиган махсулотлар Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари ва стандартларига мос келиши;
- Таомлар уларни сотиш санитария қоидаларида белгиланган муддатларга қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириладиган миқдорларда тайёрланиши керак. Олдинги кундан қолган гўштли, балиқли қиймалардан, пиширилган макарон, қайла, ёрма маҳсулотларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.
- Сузилаётган барча таомлар зарур ҳароратда бўлиши, ёғ, қаймоқ қайла, гарнир ва шўрва кабиларни сузишда ўлчовли анжомлардан фойдаланилиши керак
- Таомлар, пазандачилик махсулотлари, қайноқ ва салқин ичимликларнинг нархлари бозор ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари бахосидан ошмаган ҳолда ходимларга етказиб бериш;
- Хизмат кўрсатувчи ўз маблағлари ҳисобидан махсулотларни харид қилади ва овқат тайёрлайди. “Навоийазот” АЖ томонидан ишчи-ходимларга ўз ойлик маоши ҳисобидан электрон тизим орқали ҳисобга олиб борилади (5-сонли ва ТСҚ ошхоналари бўйича), Санаторий профилакторий бўйича эса сотилган йўлланмалар сонидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб олиб борилади ва қуйида кўрсатилган шарт асосида тўлов амалга оширилади
- “Буюртмачи” жамият ҳудудидаги ошхонанининг балансидаги барча бино иншоотлари “Бажарувчи” га ижарага беради ва бунда бинонинг ижара

суммасини ҳисоблашда Вилоят ҳокимининг 2022 йил 04 февралдаги 24-5-0-Q-22-сонли қарори асосида амалга ошириш **(2-илова)**;

- “Буюртмачи” “Бажарувчи”га жамият ҳудудидаги ошхонани жиҳозларини (идиш товоқлар, стол стуллар, компьютер ускуналари, ошхона буюмлари, печлар, гўшт майдалагичла, махсулотни қорувчи жихозлар ва бошқалар) фаолият бошлаган кундан бошлаб фойдаланишга беғараз берилиши мумкин ва “Бажарувчи” уларнинг яроқлиги ва созлигини таъминлайди. Кейинчалик ошхонада “Бажарувчи” ўз маблағи ҳисобидан замонавий, энерготежамкор ошхона жиҳоз ва ускуналарни харид қилиб фойдаланади.;
- “Буюртмачи” жамият ҳудудидаги ошхонани “Бажарувчи”га мавжуд ошхона анжомларидан фойдаланади ва уларни техник соз ҳолатда бўлишлигини таъминлайди;
- “Бажарувчи” фойдаланилган электроэнергия, ичимлик суви, оқова сувлари ва бошқа энергоресурсларнинг сарфи учун туловлар ўлчов асбоблари кўрсаткичларига асосан ҳисоб китоб килиб боради;
- “Бажарувчи” томонидан жамият ҳудудидаги ошхонада меҳнат қилиб келаётган ишчи ходимларни камида 70 фоизини иш билан таъминлаш вазифасини амалга ошириш;
- Корхона ходимлари учун, шу жумладан аҳоли, диетик (пархез) таомлар суммасини белгиланган меъёр асосида энергетик кувватини инобатга олиб, ҚҚС қўшилган ҳолда Тиббий санитария қисми ва Санаторий профилакторий бўйича ҳар бир ошхонага бир кунлиги ўртача 40 000 сўм миқдорида мажмуавий меню асосида, тайёрлаб бериш яъни ушбу менюда биринчи таом, иккинчи таом, салат, сут махсулоти, яхна ёки қайноқ ичимлик ҳамда нон бўлиши шарт **(3-4 иловалар)**. Шунингдек диетик таомлар рациони “Бажарувчи” нинг таклифига асосан кўриб чиқилади;
- Даволанувчи ва соғликларини тикловчилари диетик таомлар рациони бўйича кунлик (хафталик) меню-улушлари (меню-раскладка) тузилади ва корхона касаба уюшма қумитаси билан келишилган ҳолда Санитария Эпидемиология Маркази томонидан тасдиқланиб, биологик ва озуқавий қиймати юзасидан хулоса олинади;
- Диетик (пархез) таомларидан бошқа қўшимча равишда таомлар тайёрлаш жараёнида менюда биринчи таом, иккинчи таом, салат, сут ва сут махсулоти, яхна ёки қайноқ ичимлик ҳамда нон бўлиши шарт **(5-илова)**. Қўшимча таомнинг суммаси ҚҚС қўшилган ҳолда ўртача 20 000 сўм миқдорида белгиланади;
- Ошхоналарда таомларни тайёрлаш ва иш жараёни доимий назорат остида бўлиб, лаборатория таҳлиллари ва санитар бактериологик текширувлар натижаси бўйича хулосаларини “Буюртмачи” га тақдим этиб бориш;
- Ошхонада қўлланишга рухсат этилган ўлчаш воситаларига эга бўлиши ва уларни соз ҳолатда сақлаши, ўз вақтида ва белгиланган тартибда метрологик текширишдан ўтказиш;
- Барча ўлчаш воситалари, тортиш ва ўлчаш асбоблари, кўриниб турадиган ишонч тамғасига ёки "Ўзстандарт" агентлиги органларининг амал қилиш муддати ўтмаган текшириш гувоҳномаси соз ҳолатда, тоза, тўғри ўрнатилган бўлиши,

белгиланган мақсадда қўлланилиши ҳамда ўлчашларнинг ягоналигини ва ишончлилигини таъминлаши ва тегишли паспортга эга бўлиши керак.

- Носоз ва қўлланишга рухсат этилмаган ўлчаш воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

- Хизмат кўрсатиш жараёнида тайёр маҳсулотлар ва харид қилинган товарлар истеъмолчининг хоҳишига кўра тегишли идишда ва ўрамда олиб чиқиб кетилиши мумкин.

- “Навоийазот” АЖ ишчилари билан ҳисоб-китоблар махсус электрон тизимда рўйхатга олинади, ва хар ойнинг 10 санасигача олдинги ой учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” билан қиёслов далолатномаси асосида амалга оширилади. Келишувга асосан қисқароқ муддатда ҳам тўлов амалга оширилиши мумкин.

- Қўриқлаш хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизматлари ҳамда бошқа пудратчиларга накд пул ёки пластик карта орқали ҳисоб-китоб қилинади. Бепул ёки “Навоийазот” АЖ ишчи-ходимлари ҳисобидан бошқаларга овқат бериш тақиқланади.

7. **Техник тавсиф.**

- Озиқ-овқат махсулотлари, сабзавот, мева ва бошқа зарурий жихозларни сақлаш учун ошхона биносининг ўзида санитар талабларга жавоб берадиган омборхонанинг мавжудлиги;

- Мижозларга хизмат кўрсатишда қўлланиладиган идиш-анжомлар корхона турига мувофиқ бўлиши керак. Санитария-эпидемия тартибига риоя этиш мақсадида ҳар бир хўранда ўрни ҳисобига камида учтадан идиш-анжомлар тўплами тўғри келиши;

- “Буюртмачи” нинг ҳудуди стратегик аҳамиятга эга бўлганлигини инобатга олиб, “Бажарувчи” томонидан ҳудудда ички тартиб қоидаларига қатъий амал қилиши;

- “Бажарувчи” томон ўз ҳисобидан фойдаланадиган юк ва бошқа зарурий техникаларини (озиқ-овқат махсулотлари ва ошхона учун бошқа зарурий материалларни олиб келиш ва олиб кетиш) ошхонага келиб кетиши учун “Буюртмачи” жамиятнинг кириб-чиқиш дарвозасида ички тартиб қоидаларга амал қилган ҳолда қулай шароит яратиб беради.

8. **“Бажарувчи”га қўйиладиган талаблар.**

- “Бажарувчи” тегишли малака сертификатга эга бўлиши;
- Кўп йиллик сохавий мехнат тажрибасига эга бўлиши;
- Хизмат кўрсатадиган ходимларнинг миқдори мазкур техник топшириқнинг 5-6 бандлари талабларига мос келиши;
- Ошхонада ишлашга белгиланган тартибда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтган ҳамда тиббий жиҳатдан соғлом бўлган шахслар қўйилади. Тасдиқланган тиббий кўрик натижаларини “Буюртмачи” га билдириш ёки тақдим қилиш;

- Ошхонанинг хизмат кўрсатиш фаолияти доимий равишда Санитария эпидемиология станцияси назоратида бўлиб, тегишли намуналардан мунтазам равишда лаборатория текширувларини олиб бориш;
- Тайёрланадиган таомларни сифатли тайёрланишини назорат қилиш, сифатсиз махсулот тайёрланганда, истеъмолчи томонидан махсулот истеъмол қилинганда овқатдан заҳарланиш ҳолатлари гумон қилинган тақдирда "Буюртмачи" томонидан 3-4 соат давомида хабар олиниши билан махсулот сифатини кўриб чиқилади.

Жамият ишчи-ходимлари томонидан "Буюртмачи" рахбариятига қуйидагича шикоятлар бўлган вақтда тузилган шартнома асосида "Бажарувчи" га қўйидаги ҳолларда тегишли ваколатли органлар иштирокида жарима қўллаш ва етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича чора кўриши мумкин:

- Товарлар, маҳсулотларни нотўғри ўлчаш, нотўғри тортиш ёки хизматлар кўрсатганда;
- Сифатсиз товарларни, кулинария буюмларини ва атайин ностандарт маҳсулотларни сотиш, шунингдек харидорга сотилган сифатсиз товарни, маҳсулотни алмаштириб беришни ёки пулларни қайтаришда ўрнатилган тартибда амалга оширмаганда;
- Яроқлилик муддати ўтган товарларни сотганда;
- Овқатни истеъмол қилиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлмаганда;
- Товарларда, маҳсулотларда нархномалар бўлмаганда ёки атайин нотўғри расмийлаштирилган нархномалар қўйилганда;
- Рухсат берилмаган анжом қўлланилганда.

Буюртмачи" томонидан тасдиқланган график асосида тегишли комиссия таркибида ҳар ойда икки маротаба ошхонани назорат қилиб борилади.

- **Ревизия комиссияси томонидан ошхонада қуйидагилар назорат қилинади:**

- Ҳафтада 2 кун менюнинг тузилиш таркиби;
- Ошхона кириш қисмининг кўзга кўринадиган жойига тайёрланган таомлар таркиби, ошхонада сотиладиган махсулотлар нархи ва шикоят ва таклифлар дафтарини жойлаштириш;
- Ошхонада ишлайдиган ходимларнинг ташқи кўриниши гегиена талабларига жавоб бериши;
- Ишчи-хизматчиларни махсус кийим бошлар билан таъминланиши;
- Харидорларнинг ҳақига хиёнат қилмаслик ҳолатларини кўриш;
- Ошхонада сотиладиган махсулотларнинг нархинижорий даврдаги ўртача бозор нархлари билан солиштириш;
- Хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини ўрганиш;
- Ходимларни тиббий кўрикдан ўтиш муддатларини кўриб чиқиш;
- Хона ва жихозларни тозалигини кўриб чиқиш;

- Омборхонадаги махсулотларни сифатини кўриб чиқиш;
- Махсулотларни сақланиш шароитларини кузатиш.

- Текшириш натижалари бўйича 3 кишидан кам бўлмаган ҳолда далолатнома расмийлаштириб, “Бажарувчи” га камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумот сифатида тақдим этиш. Камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда “Буюртмачи” “Бажарувчи” ни тузилган шартнома шартлари бўйича жаримага тортиш, шунингдек муддатдан олдин шатрномани бекор қилиш;
- “Буюртмачи” томонидан таом тайёрлаш тўғрисидаги таклифларни ошхонанинг бош ошпази ва технологи томонидан тақдим қилинган ҳисоботларга асосан ойида 2 маротаба ижросини назорат қилиш;

9. Хизмат кўрсатувчи томон ошхонада фаолият юритиш бўйича Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунларга ҳамда давлат стандартларига тўлиқ амал қилади.

**9.1. Махсулотни сифатига қўйиладиган талаблар.**

- Озиқ-овқат махсулотларини келтириш хавфсизлик ва сифат назоратида бўлиш;
- Озиқ-овқат махсулотлари сифатида (гўшт, балиқ, тухум, сут махсулотлари) шубхали ҳолат юзага келганда ёки мунтазам равишда ҳафтасига бир маротаба назорат лаборатория таҳлили ўтказиш.

**9.2. Ошхонада бевосита хизмат кўрсатиш технологияси.**

- Иш жойларини овқатлар тайёрлашдан олдин ишга тайёрлаш;
- Пазандачилик махсулотларини ва таомларни тайёрлашда хом-ашё ва озиқ-овқат махсулотларига ишлов бериш;
- Порциялик таомларни тайёрлаш технологиясида мослик (стандарт) талабларига жавоб бериш;
- Тайёрланган таомларни ошхонанинг ўзида тарқатиш;
- Ошхона жихозлари, идишларини тозалигига доимий риоя қилиш;
- Ошхона ва омборхона бинолари ички ва ташқи ҳудудини доимий тоза сақлаш;
- Махсулотларни сақлаш учун омборхоналарга совутиш камераларини ўрнатиш;
- Ошхона бинолари водопровод, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти ҳамда ҳавони киритиш ва тортиш тизими билан жиҳозланган бўлиши;
- Кейинги кун таомлари учун таомнома менюсини тузиш;
- Ошхонада фаолият юритиш учун техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилиш;
- Ошхона ваомборхона жихозлари ва совутиш ускуналарини ойида 2 маротаба комплекс тозалаш ишларини олиб бориш;
- Маиший техника жихозларини мунтазам ишлаши ва сақланишини таъминлаш;
- Бошқа кўзда тутилмаган ишлар.

**10. Кафолатли мажбуриятлар.**

- “Буюртмачи” билан шартнома шартларини келишиб олиш;
- “Буюртмачи” билан меъёрий техник талабларни келишиб олиш;
- “Буюртмачи” билан нархлар ҳисоб-китоби шаклларини келишиб олиш;
- “Буюртмачи” томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун зарурий ҳужжатларни тақдим этиш;
- “Бажарувчи” нинг хизмат кўрсатиш соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлиши;
- “Бажарувчи” бир вақтнинг ўзида 100 кишидан кам бўлмаган миқдордаги мижозларга хизмат кўрсатиш тажрибасига эга бўлиши;
- Умумий овқатланиш мажмуаларида (тантанали тадбирларда, кофе-брейк тадбирлари, корпоратив овқатланишларда) тажрибага эга бўлиши зарур.
- Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи” нинг меҳнат қилиб келаётган ишчи ходимларини камида 70 фоизини шартнома асосида иш билан таъминлаш вазифаси юклатилади.

**11. Кўрсатиладиган хизмат натижалари бўйича таъриф.**

- Кўрсатиладиган хизматларни расмийлаштириш ҳужжатлари (Бажарилган иш бўйича далолатнома, ҳисоб-фактура, кўрсатилган хизматларнинг ҳаражатлар кенгайтмаси қабул-қилиш топшириш далолатномаси, ошхона ҳаражатлари бўйича тасдиқланган ҳаражатлар таркиби).
- Кўрсатиладиган хизматлар мазкур техник топшириқнинг тегишли бандлари бўйича амалга оширилади.

**12. Маълумотлар талаблари бўйича таърифи.**

- Кўзда тутилмаган.

**13. Экология ва атроф муҳит талаблари ва шартлари**

- “Бажарувчи” хизмат кўрсатиш давомида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда фаолият юритади.

**14. Ишлаб чиқариш хавфсизлиги, мехнат хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги тадбир талаблари.**

- “Бажарувчи” хизмат кўрсатиш давомида тузилган шартнома бўйича мехнат қонунчилиги, саноат ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда атроф муҳитни ҳимоя қилишда амалдаги қонунларга қатъий риоя қилинади.
- “Бажарувчи” объектда мехнат хавфсизлиги бўйича иш режасини тузиб, “Буюртмачи” билан келишиши зарур.
- “Бажарувчи” ходимларнинг техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш ҳамда улар бўйича ўқишларни ташкил қилишни мувофиқ амалга оширилиши лозим.

- “Бажарувчи” ўзининг хизмат кўрсатувчи ходимларини техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида ўқув курсларидан ўтказиб, йўриқномаларга амал қилган ҳолда иш юритишни таъминлайди.
- Ошхонадаги электр жихозлари, газ плиталари, иситиш ускуналари билан ишлашда техника ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари шарт.

***Келишилди :***

| | |
|---|---|
| Бошқарув раисининг маркетинг,савдо ва харидлар буйича ўринбосари | З.П. Жумаев |
| Бошқарув раисининг молия ва иқтисод масалалари ўринбосари в.б. | Ф.Х.Самадов |
| Бошқарув раисининг капитал қурилиш ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари | У.Т. Турдиев |
| Бош ҳисобчи | Ҳ.С. Тилавов |
| Жаъмият умумовқатланиш бошлиғи | Л.А. Панченко |
| Юридик булим бошлиғи | Ш.М. Хабибуллоев |

Н.Н. Хайзиева

Т.Т. Курмуротов.

*1-илова*

**Стандарт диета (пархез) таомнинг намунавий рациони**

| Т/р | Таомларнинг номланиши | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр/дона |
|---|---|---|
| **Кунлик озуқавий қиймати 2100-2400 ккал.** | | |
| **Нонушта** | | |
| 1 | Сутли каша (гурунч, гречка, буғдой, геркулес) | 200 |
| 2 | Оқсилга бой махсулот, улардан: | |
| | *Творог* | 100 |
| | *Пишлоқ* | 30 |
| | *Кайнатилган тухум* | 1 дона |
| 3 | Мевалар | 120 |
| 4 | Буғдой унидан тайёрланган нон | 150-200 |
| 5 | Чой (шакарли/шакарсиз) | 200 |
| **Тушлик** | | |
| 1 | Шурво (борщ, рассольник, щи, товуқ гўштли, горохли) | 250 |
| 2 | Гўштли махсулот (котлет, тефтель, кайнатилган товуқ гўшти) | 100 |
| 3 | Гарнир (макарон, картошкали пюре, бўғланган гурунч, карам) | 200 |
| 4 | Пазандачилик таомлари | 120 |
| 5 | Мевалар | 120 |
| 6 | Буғдой унидан тайёрланган нон | 150-200 |
| 7 | Чой (шакарли/шакарсиз) | 200 |
| **Кечки овқат** | | |
| 1 | Гўштли махсулот (котлет, тефтель, кайнатилган товуқ гўшти) | 100 |
| 2 | Сабзавотли рагу (картошкали пюре, перловка, буғланган карам) | 200 |
| 3 | Сут махсулот (сут, қатиқ, йогурт) | 200 |
| 4 | Пазандачилик таомлари | 120 |
| 5 | Буғдой унидан тайёрланган нон | 150-200 |
| 6 | Чой (шакарли/шакарсиз) | 200 |

2022 йил "07" 04 даги
умумовқатланиш мажмуаси ошхонасида
жамият ишчи-ходимларига хизмат
кўрсатиш бўйича Техник Топшириқга
2 ИЛОВА

"Объект" учун йиллик ижара ҳақи

| № | Объектнинг жойлашган жойи | Ижара майдони (м.кв.) | Фаолият тури (коди) | 1 кв.м. ўрнатилган минимал ижара ставкаси (Мс)*(сўм) | Худудий зоналар коэффициенти (Кз) | Бинонинг қурилишига кўра тури (Кк) | Фойдаланилган худуднинг коэффиценти (Кх) | Бинонинг тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлиги (Ко) | 1 кв.м таянч ставкаси (Тс) =Мс*Кз*(Кк+Кх+Ко) (сўм) | Бир йиллик ижара ставкаси сўм | Бир йиллик ижара ставкаси 14% фойдани ҳисоблаган ҳолда (сўм) | Бир ойлик ижара ставқаси (сўм) | Бир йиллик ижара ставкаси ҚҚс б-н (сўм) | Бир ойлик ижара ставкаси ҚҚС б-н (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 1 | 5-сонли ошхона 50 цех | 208,2 | умумий овқатланиш | 29 300,00 | 2 | 1,5 | 0 | 0,7 | 128 920,0 | 26 835 664,9 | 30 592 658,0 | 2 549 388,2 | 35 181 556,7 | 2 931 796,4 |
| 2 | 061-цех ТСҚ ошхонаси | 171,3 | | 29 300,00 | 2 | 1,5 | 0 | 0,7 | 128 920,0 | 22 083 996,0 | 25 175 755,4 | 2 097 979,6 | 28 952 118,8 | 2 412 676,6 |
| 3 | 110-цех Санаторий пофилакторий ошхонаси | 427,4 | | 29 300,00 | 2 | 1,5 | 0 | 0,7 | 128 920,0 | 55 100 781,9 | 62 814 891,3 | 5 234 574,3 | 72 237 125,0 | 6 019 760,4 |
| | ЖАМИ | 806,9 | | | | | | | | | 118 583 304,8 | 9 881 942,1 | 136 370 800,5 | 11 364 233,4 |

* Навоий вилояти Ҳокимининг 2022 йил 04 февралдаги 24-5-0-Q-22-сонли қарорига асосан

*3 илова*

**Тиббий санитария қисми даволанучлари учун Диетик (пархез) таомларининг 7 кунлик намунавий менюси**

**(бир кунлик ўртача 40000сўм)**

**1 кун**

| **Таомлар номи** | **Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр** | **Нархи, сўм** |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| омлет натуральный | 105 | 2299,48 |
| каша молочная манная | 210/10 | 1294,47 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| молоко кипячёное | 200 | 1278,50 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **5925,29** |
| **обед** | | |
| свекла | 100 | 675,65 |
| суп картоф. с горохом м/г | 25/250 | 4718,81 |
| мясо отварное | 75/5 | 11315,52 |
| каша перловая | 150 | 677,38 |
| чай зеленый | 200 | 25,52 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **17664,38** |
| **ужин** | | |
| суп картоф.с рисом м/г | 25/250 | 4617,13 |
| котлета | 75/5 | 6207,09 |
| каша гречневая | 150 | 1325,82 |
| сметана | 100 | 4628,57 |
| чай зеленый | 200 | 25,52 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **17055,63** |
| **ЖАМИ** | | **40645,30** |

**2 кун**

| **Таомлар номи** | **Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр** | **Нархи, сўм** |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| яйцо вареное | 1шт | 939,60 |
| каша молочная рисовая | 210/10 | 1546,70 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| молоко кипячёное | 200 | 1278,50 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **4817,64** |
| **обед** | | |
| салат из моркови | 100 | 730,85 |
| щи из свеж.капусты с картоф.м/г | 25/250 | 5093,13 |
| гуляш из отварной говядины | 75/75 | 11470,11 |
| рожки отварные | 150 | 712,35 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **19731,34** |
| **ужин** | | |
| суп картоф.с перловой крупой м/г | 25/250 | 4659,25 |
| рулет паровой | 105/5 | 7262,48 |
| рис припущенный | 150 | 824,69 |
| чай зеленый | 200 | 25,52 |
| простокваша | 200 | 2848,50 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **15871,94** |
| **ЖАМИ** | | **40420,92** |

3 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| омлет натуральный | 105 | 2299,48 |
| каша молочная геркулесовая | 210/10 | 1474,78 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **4827,10** |
| **обед** | | |
| салат из свеж.капусты | 100 | 1182,95 |
| суп картоф.с пшеничной крупой м/г | 25/250 | 4632,39 |
| мясо тушеное | 75/75 | 11694,84 |
| картофельное пюре | 150 | 1482,05 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **20717,13** |
| **ужин** | | |
| суп картоф.с рисом м/г | 25/250 | 4617,13 |
| цыплята отварные | 100/5 | 3949,42 |
| рожки отварные | 150 | 712,08 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| сметана | 100 | 4628,57 |
| булочка дорожная | 50 | 335,12 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **14584,38** |
| **ЖАМИ** | | **40128,61** |

4 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| яйцо вареное | 1шт | 939,60 |
| каша молочная пшеничная | 210/10 | 1398,65 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| молоко кипячёное | 200 | 1278,50 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **4669,59** |
| **обед** | | |
| салат из моркови | 100 | 730,85 |
| борщ из свеж.капусты с картоф.м/г | 25/250 | 4686,20 |
| гуляш из отварной говядины | 75/75 | 11470,11 |
| каша пшеничная | 150 | 689,48 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **19301,54** |
| **ужин** | | |
| рассольник м/г | 25/250 | 5253,43 |
| плов из отварной говядины | 50/200 | 8694,73 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| булочка дачная | 50 | 405,18 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **14695,40** |
| **ЖАМИ** | | **38666,53** |

5 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| яйцо вареное | 1шт | 939,60 |
| каша молочная манная | 210/10 | 1294,47 |
| молоко кипячёное | 200 | 1278,50 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **4474,85** |
| **обед** | | |
| свекла | 100 | 675,65 |
| суп картоф.с макаронными издел м/г | 25/250 | 4600,24 |
| гуляш из отварной говядины | 75/75 | 11470,11 |
| картофельное пюре | 150 | 1482,05 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **19952,95** |
| **ужин** | | |
| суп картоф. с горохом м/г | 25/250 | 4718,81 |
| котлета | 75/5 | 6207,09 |
| каша пшеничная | 150 | 689,48 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| простокваша | 200 | 2848,50 |
| булочка дачная | 50 | 405,18 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **15211,12** |
| **ЖАМИ** | | **39638,92** |

6 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| омлет натуральный | 105 | 2299,48 |
| каша молочная рисовая | 210/10 | 1546,70 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| молоко кипячёное | 200 | 1278,50 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **6177,52** |
| **обед** | | |
| огурцы свежие | 100 | 1437,00 |
| суп картоф.с перловой крупой м/г | 25/250 | 4659,25 |
| цыплята отварные | 100/5 | 3949,42 |
| рожки отварные | 150 | 712,08 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **12482,65** |
| **ужин** | | |
| | | |
| винегрет овощной | 100 | 1303,21 |
| суп картоф.с рисом м/г | 25/250 | 4617,13 |
| мясо тушеное | 75/75 | 11694,84 |
| гороховое пюре | 150 | 1478,37 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **20818,45** |
| **ЖАМИ** | | **39478,62** |

**7 кун**

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| **завтрак** | | |
| масло сливочное | 15 | 710,78 |
| яйцо вареное | 1шт | 939,60 |
| каша молочная гречневая | 210/10 | 1847,66 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **3840,10** |
| **обед** | | |
| салат из свеж. капусты | 100 | 1182,95 |
| суп картоф.с пшеничной крупой м/г | 25/250 | 4632,39 |
| котлета | 75/5 | 6207,09 |
| картофельное пюре | 150 | 1482,05 |
| компот из свеж.плодов | 200 | 1473,40 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **15229,38** |
| **ужин** | | |
| борщ из свеж.капусты с картоф.м/г | 25/250 | 4686,20 |
| гуляш из отварной говядины | 75/75 | 11470,11 |
| рис припущенный | 150 | 824,69 |
| чай с сахаром | 200 | 90,56 |
| сметана | 100 | 4628,57 |
| хлеб | 150 | 251,50 |
| | | **21951,63** |
| **ЖАМИ** | | **41021,11** |

*4 илова*

**Санаторий профилактории қисми даволанучлари учун Диетик (пархез) таомларининг 7 кунлик намунавий менюси**

**(бир кунлик ўртача 40000сўм)**

**1 кун**

| **Таомлар номи** | **Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр** | **Нархи, сўм** | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная манная | 205/10 | 1314,78 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **3568,48** | |
| **обед** | | | |
| салат из свежей капусты | 100 | 1186,00 | |
| суп картоф. с горохом и фрикаделькой | 18/250 | 2900,55 | |
| котлета рубленая | 1/75 | 9236,83 | |
| рожки отварные | 150 | 919,08 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| самса "Капак | 1/65 | 2566,90 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **17235,25** | |
| **ужин** | | | |
| салат из моркови | 100 | 555,97 | |
| борщ с капустой и картоф. | | | |
| с фрикаделькой | 18/250 | 2803,01 | |
| гуляш м/гов. | 50/75 | 7496,77 | |
| рис припущенный | 150 | 1031,79 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| пирожки, печен. с мяс/луком | 1/75 | 2775,72 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **15089,15** | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 100 | 2025,00 | |
| | | **4873,50** | |
| | | | **40766,38** |

2 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная пшеничная | 205/10 | 1440,50 | |
| омлет натуральный | 105 | 1962,93 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **4829,22** | |
| **обед** | | | |
| свекла с сахаром | 100/10 | 748,39 | |
| суп картоф. с рисом с фрикаделькой | 18/250 | 2786,49 | |
| бифштекс рубленый | 1/70 | 8547,66 | |
| картофельное пюре | 150 | 1396,09 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| самса "Капак | 1/65 | 2566,90 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **16471,42** | |
| **ужин** | | | |
| салат из свежей капусты | 100 | 1186,00 | |
| суп-лапша домашняя с фрикаделькой | 18/250 | 3034,36 | |
| мясо тушеное гов. | 50/75 | 7819,39 | |
| каша перловая | 150 | 961,05 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 306,33 | |
| | | **14225,60** | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 100 | 2025,00 | |
| | | **4873,50** | |
| | | | **40399,74** |

3 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная рисовая | 205/10 | 1567,34 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **3821,04** | |
| **обед** | | | |
| винегрет овощной | 100 | 1303,21 | |
| суп картоф. с пшеничной крупой с фрикаделькой | 18/250 | 2801,75 | |
| шницель рубленый | 1/75 | 7652,30 | |
| гороховое пюре | 150 | 1192,65 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| чебуреки | 1/110 | 3742,57 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **17118,37** | |
| **ужин** | | | |
| салат из моркови | 100 | 553,97 | |
| щи из свежей капусты с картоф. и фрикаделькой | 18/250 | 2968,10 | |
| плов по-узбекски м/гов. | 50/300 | 9527,60 | |
| лук репчатый | 20 | 107,96 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | 14411,43 | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 100 | 2025,00 | |
| | | **4873,50** | |
| | | | **40224,34** |

4 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная манная | 205/10 | 1314,78 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **3568,48** | |
| **обед** | | | |
| салат из свежей капусты | 100 | 1186,00 | |
| рассольник с фрикаделькой | 18/250 | 3074,31 | |
| колбаски по-домашнему | 76/50 | 7989,34 | |
| рис припущенный | 150 | 1031,79 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| пирожки, печен. с мяс/луком | 1/75 | 2775,72 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **16483,05** | |
| **ужин** | | | |
| свекла с сахаром | 100/10 | 748,39 | |
| суп картоф. с горохом с фрикаделькой | 18/250 | 2900,55 | |
| поджарка м/гов. | 50/15 | 7535,26 | |
| макароны отварные | 150 | 919,08 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| самса "Капак | 1/65 | 2566,90 | |
| хлеб пш. | 200 | 306,33 | |
| | | **15067,07** | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 100 | 2025,00 | |
| | | **4873,50** | |
| | | | **39992,10** |

5 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная пшеничная | 205/10 | 1440,50 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **3694,20** | |
| **обед** | | | |
| салат из моркови | 100 | 553,97 | |
| борщ с капустой и картоф. с фрикаделькой | 18/250 | 2803,01 | |
| котлета рубленая | 1/75 | 9236,83 | |
| картофельное пюре | 150 | 1396,09 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| самса "Капак | 1/65 | 2566,90 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **16982,69** | |
| **ужин** | | | |
| салат из свежей капусты | 100 | 1186,00 | |
| суп картоф. с рисом | | | |
| с фрикаделькой | 18/250 | 2786,49 | |
| гуляш м/гов. | 50/75 | 7496,71 | |
| каша гречневая | 150 | 1265,71 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| пирожки, печен. с мяс/луком | 1/75 | 2775,72 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **15936,52** | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 100 | 2025,00 | |
| | | **4873,50** | |
| | | | **41486,91** |

**6 кун**

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная рисовая | 205/10 | 1567,34 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **3821,04** | |
| **обед** | | | |
| салат из свежей капусты | 100 | 1186,00 | |
| суп картоф. с пшеничной крупой с фрикаделькой | 18/250 | 2801,75 | |
| бифштекс рубленый | 1/70 | 8547,66 | |
| рожки отварные | 150 | 919,08 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| самса "Капак | 1/65 | 2566,90 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **16447,28** | |
| **ужин** | | | |
| свекла с сахаром | 100/10 | 748,39 | |
| суп-лапша домашняя с фрикаделькой | 18/250 | 3034,36 | |
| мясо тушеное гов. | 50/75 | 7819,39 | |
| рис припущенный | 150 | 1031,79 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| чебуреки | 1/110 | 3742,57 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | 16802,39 | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 90 | 1822,50 | |
| | | **4671,00** | |
| | | | **41741,71** |

7 кун

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм | |
|---|---|---|---|
| **завтрак** | | | |
| масло сливочное | 10 | 988,97 | |
| каша молочная манная | 205/10 | 1314,78 | |
| чай черный с сахаром | 200 | 101,49 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **3568,48** | |
| **обед** | | | |
| салат из моркови | 100 | 553,97 | |
| щи из свежей капусты с картоф. с фрикаделькой | 18/250 | 2968,10 | |
| колбаски по-домашнему | 76/50 | 7989,34 | |
| гороховое пюре | 150 | 922,21 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| булочка дачная | 1/100 | 827,91 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **13687,42** | |
| **ужин** | | | |
| винегрет овощной | 100 | 1303,21 | |
| рассольник с фрикаделькой | 18/250 | 3074,31 | |
| цыплята, тушен. в соусе | 100/50 | 4757,87 | |
| картофельное пюре | 150 | 1396,09 | |
| чай зеленый с сахаром | 200 | 90,56 | |
| самса "Капак | 1/65 | 2566,90 | |
| хлеб пш. | 200 | 335,33 | |
| | | **13524,27** | |
| | | | |
| простокваша | 200 | 2848,50 | |
| фрукты свежие | 90 | 1822,50 | |
| | | **4671,00** | |
| | | | **35451,17** |

*5-илова*

**Таомларнинг энг кам белгиланган меъйёрлари ва миқдори**

**1 кун**

| **Таомлар номи** | **Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр** | **Нархи, сўм** |
|---|---|---|
| Гўштли салат | 100 | 3951,26 |
| Фрикаделька ва сметанали Рассольник | 13/250/10 | 2937,98 |
| Бифштекс | 1/75 | 8045,45 |
| Картошка пюре | 150 | 1673,38 |
| Варақи сомса | 1/65 | 2346,30 |
| Қайнатилган сут | 1/200 | 1278,87 |
| Чой | 1/200 | 25,52 |
| Нон | 150 | 251,50 |
| | | **20510,26** |

**2 кун**

| **Таомлар номи** | **Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр** | **Нархи, сўм** |
|---|---|---|
| "Баҳор" салати | 100 | 3453,19 |
| Фрикаделька ва сметанали Борщ | 18/250/10 | 2730,42 |
| Тефтел соуси билан | 115/75 | 6737,95 |
| Макарон гарнири (кайнатилган) | 200 | 1226,00 |
| Гўшти ва пиёзли Пирожок | 1/75 | 2797,40 |
| Қатиқ | 1/200 | 2085,31 |
| Қуруқ мевали шарбат | 1/200 | 540,00 |
| Нон | 150 | 251,50 |
| | | **19821,77** |

**3 кун**

| **Таомлар номи** | **Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр** | **Нархи, сўм** |
|---|---|---|
| "Пикантный" Салати | 100 | 2798,08 |
| Фрикаделька ва сметанали Мастава | 18/250/10 | 2738,01 |
| Гушт ва тухумли Рулет | 155/100 | 7940,58 |
| Гречкали гарнир | 200 | 1667,65 |
| Беляши | 1/75 | 3245,11 |
| Қайнатилган сут | 1/200 | 1278,87 |
| Қуруқ мевали шарбат | 1/200 | 540,00 |
| Нон | 150 | 251,50 |
| | | **20459,80** |

**4 день**

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| Гўшт ва сабзавотли салат | 100 | 3869,59 |
| Горохли шўрва | 250 | 891,84 |
| Гуляш | 75/75 | 9658,67 |
| Перловка кашаси | 150 | 961,03 |
| Гўшти ва пиёзли Пирожок | 1/75 | 2797,40 |
| Кайнатилган сут | 1/200 | 1278,87 |
| Чой шакар билан | 1/210 | 68,88 |
| Нон | 150 | 251,50 |
| | | **19777,78** |

**5 день**

| Таомлар номи | Таомларнинг чиқиш оғирлиги, гр | Нархи, сўм |
|---|---|---|
| "Кукурузка" салати | 100 | 3525,22 |
| Фрикаделька ва ярмали шўрва | 18/250 | 2482,53 |
| Жаркоп | 50/250 | 8672,89 |
| Варақи сомса | 1/65 | 2346,30 |
| Қатиқ | 1/200 | 2085,31 |
| Чой шакар билан | 1/210 | 68,88 |
| Нон | 150 | 251,50 |
| | | **19432,63** |